



МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШГА БЎЛГАН ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Халбеков Авазбек

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази,
Барқарор ривожланиш маркази
ORCID: 0009-0003-2673-7377
avazbek.khalbekov@mail.ru

Аннотация. Ҳозирги вақтда барқарор ривожланиш концепцияси тобора муҳим ва долзарб бўлиб бормоқда. Барқарор ривожланиш концепциясининг моҳияти, хусусиятлари ва шаклланишининг зарурий шартларини чуқурроқ тушуниш учун унинг шаклланиш босқичларини ўрганиш зарур. Барқарор ривожланиш концепциясининг эволюцияси узоқ вақт давомида сайёрамиз аҳолиси ҳаёт сифатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг аҳамиятини аста-секин англаб етган сари содир бўлади. Барқарор ривожланиш концепциясининг эволюцияси масаласига маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг ёндашувларини ўрганиш ва тизимлаштириш, даврийлаштиришнинг муаллифлик талқинини шакллантириш, корхоналарни барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун концепциянинг аҳамиятини очиб бериш.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, эволюция, даврийлаштириш, корпоратив барқарорлик, барқарор ривожланиш стратегияси.

ЭВОЛЮЦИЯ НАУЧНЫХ ВЗГЛЯДОВ НА УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ РЕГИОНА

Халбеков Авазбек

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете,
Центр устойчивого развития

Аннотация. В настоящее время концепция устойчивого развития приобретает всё большую значимость и актуальность. Для более глубокого понимания сущности, особенностей и необходимых условий формирования концепции устойчивого развития необходимо изучить этапы её становления. Эволюция концепции устойчивого развития происходит по мере постепенного осознания человечеством значимости экономических, социальных и экологических проблем, которые могут существенно повлиять на качество жизни населения планеты. В статье рассматриваются и систематизируются подходы отечественных и зарубежных авторов к вопросу эволюции концепции устойчивого развития, формируется авторская интерпретация её периодизации, а также раскрывается значение данной концепции для разработки стратегии устойчивого развития предприятий.

Ключевые слова: устойчивое развитие, эволюция, периодизация, корпоративная устойчивость, стратегия устойчивого развития.

EVOLUTION OF SCIENTIFIC APPROACHES TO SUSTAINABLE REGIONAL DEVELOPMENT

Khalbekov Avazbek

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics, Sustainable Development Center

Abstract. *The concept of sustainable development is currently gaining increasing importance and relevance. A deeper understanding of its essence, specific features, and the necessary conditions for its formation requires an analysis of the stages of its development. The evolution of the sustainable development concept has occurred gradually as humanity has become increasingly aware of the significance of economic, social, and environmental challenges that may significantly affect the quality of life of the global population. This article examines and systematizes the approaches of national and international scholars to the evolution of the sustainable development concept, proposes the author's interpretation of its periodization, and highlights the importance of this concept for the development of sustainable development strategies at the enterprise level.*

Keywords: *sustainable development, evolution, periodization, corporate sustainability, sustainable development strategy.*

Кириш.

Жаҳонда иқтисодиётнинг турли хил тармоқ ва соҳаларидаги номутаносибликлар, геосиёсий беқарорлик, мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларнинг тобора кучайиб бориши ва шу каби қатор салбий таъсирга эга бўлган омиллар мавжудлигига қарамасдан, глобал иқтисодий салоҳиятнинг ўсиш тенденцияси кузатилди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, глобал иқтисодий ўсиш 2026 йилда 3,3 фоизга, 2027 йилда эса 3,2 фоизга етиши прогноз қилинмоқда. Жаҳон савдо сиёсатидаги ўзгаришлар янги инновацион технологияларга киритилаётган инвестициялар, давлат томонидан олиб борилаётган давлат фискал ва пул-кредит қўллаб-қувватлаш чоралари, қулай молиявий шароитлар ва хусусий секторнинг барқарорлиги билан қопланиши режалаштирилмоқда. Глобал инфляция даражасининг кескин пасайиши, аммо АҚШ иқтисодиётида инфляция суръатининг мақсадли кўрсаткичга қайтиши аста-секинлик амалга оширилиши кутилмоқда. Асосий салбий ҳолатлар янги технологияларга киритилган инвестициялардан кутилаётган натижаларни қайта баҳолаш ва геосиёсий кескинликнинг кучайиши билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Қатор иқтисодий сиёсатчи экспертлар томонидан мамлакатларда нархлар ва молиявий барқарорликни сақлашлари ва кутилмаган ташқи хавфга қарши мутаносибликни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга оширишлари зарурлигини тасдиқламоқдалар (www.imf.org, 2026). Шу билан бирга жаҳонда иқтисодий ресурслар тақсимланишининг нотекислиги, улардан самарали фойдаланиш даражасининг бир-биридан тубдан фарқ қилиши мамлакатларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда дастлабки йиллардан буён ҳозирги кунга қадар минтақавий сиёсат натижасида минтақалар иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш қатор дастурлари қабул қилинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида «... нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак». (Мирзиёев, 2016) Бу ҳолат, ҳудудларни

комплекс ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хом-ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириб бориш, шу мақсадларда бошқарув самарадорлигини оширишга имкон берувчи институционал асосларни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичида "...барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш", бу соҳада "2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш" масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, республика олиб борилаётган ислохотлар натижасида сўнгги беш йилда қатор ижобий натижаларга эришилган бўлишига қарамасдан, мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида ҳудудлар ўртасида турли хил даражада номутаносибликлар мавжудлиги сабабли барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш масаласи энг долзарб муаммолардан бири сифатида қолмоқда. Шу сабабли "2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 5,8 минг долларга етказиш, Саноатда технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5 бараварга ошириш" (Мурожаатнома, 2025) вазифаларининг белгилаб қўйилиши мавжуд иқтисодий салоҳиятдан потенциал даражада самарали фойдаланиш масаласини ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан бирига айлантирди.

Глобаллашув шароитида барқарор ривожланиш концепцияси жамият ривожланиши учун янги парадигмани ифодалайди. Бу глобал иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўзгаришларнинг ривожланиш векторини белгилайдиган асосий стратегиядир. Концепциянинг аҳамияти шундаки, унинг бугунги кунда ҳам илмий тадқиқот доираларида фаол ўрганилиши ва муҳокама қилинишини белгилайди. Барқарор ривожланиш концепциясининг назарий жиҳатларини ўрганиш, амалий хулоса ва тавсияларни янада шакллантириш учун катта фундаменталь аҳамиятга молик масалалардан биридир. Шу муносабатдан барқарор ривожланиш концепциясининг эволюцияси масаласи ўз долзарблигини йўқотмайди.

Адабиётлар шарҳи.

Кўп йиллар давомида минтақани барқарор ривожлантириш концепцияси маҳаллий ва хорижий олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу эса концепциянинг моҳияти, унинг мазмунини ва шаклланиш эволюциясини аниқлаш борасида кўплаб тортишувларга сабаб бўлмоқда. Илмий адабиётларда барқарор ривожланиш концепциясининг эволюцияси масаласига муаллифларнинг турли ёндашувлари келтирилган, уларнинг баъзилари ушбу тадқиқотимизда таҳлил қилинади.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Алферова (2021)нинг фикрича, минтақани барқарор ривожлантириш концепциясининг эволюцияси масаласини қуйидагича кўриб чиқиш мумкин: фалсафий, умумий илмий ва бошқа асослар таъсирида фалсафий категория сифатида воқеа ҳодисалар хронологиясини босқичларининг чегаралари ва номларини кўрсатувчи даврлаштириш орқали ҳамда бунда парадигмаларнинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш зарур деб кўрсатади. Унинг ушбу тадқиқотида барқарор ривожлантириш концепцияси эволюцияси ҳақидаги талқин воқеалар хронологиясини тузиш ва уларни таҳлил қилиш натижалари асосида шакллантирилади. Яна бир хорижлик олимлардан Дрезнер (2008) минтақаларнинг барқарор ривожланишини фанлараро соҳаси учун қулай ва кенг қамровли маълумотларга асосланганини ҳамда уни чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, барқарор ривожланиш фақатгина иқтисодий кўрсаткичлар эмас балки бошқа кўрсаткичларга ҳам боғлиқлигини тадқиқот ишида белгилаб беради. У барқарорлик ҳақидаги ёндашувларнинг келиб чиқиши, эволюцияси ва ҳозирги ҳолати тўғрисидаги

маълумотларни бериб ўтади ҳамда уларни даврийлаштириш, шунга асосан таҳлил қилиш ва танқидий фикрларга келиш мумкинлигини таклиф қилади. Хорижлик олимлардан Хамилтон (2007) барқарор ривожлантириш бўйича берилган иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари жуда кўп бўлсада, унинг турли ҳодисалар тўпламини келтириб чиқариши мумкин бўлган оддий формулага асосланган индикаторларини келтириб ўтади. Унинг таъкидлашича, жамият умумий фаровонлиги йўлида ривожланиш даражаси пасаймаса шундагина барқарорликка эришилади, - деб таъкидлайди. Иқтисодчи олимлардан Томан ва Пеззей (2019) барқарор ривожланишнинг биринчи мақсадига нисбатан шундай фикр юритишади, яъни одамлар ёки уй хўжаликлари ўзларининг фаровонликларини максимал даражада оширишга ҳаракат қилишади, аммо бу вақтинчалик фаровонлик ёки фойда олиш вақтининг йиғиндисини бўлиши мумкинлиги ҳамда одамлар ҳар лаҳзада турли хил истеъмол турларидан, шу жумладан сотиладиган ва сотилмайдиган товар(иш ва хизмат)лардан фойдаланиб ўз эҳтиёжларини қондиришлари мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни барқарор ривожланишга боғлаганлар.

Муаллифлар Ши, Хан ва бошқалар (2019) илмий тадқиқотларини таҳлил қилиш орқали ҳудудларни барқарор ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳолати ва тенденцияларини амалга оширганлар. Шунингдек, улар мазкур йўналишларда минтақа барқарор ривожланишига кичик ва ўрта корхоналарни барқарор ривожлантиришни бошқариш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор туризм ва барқарорликни баҳолаш жараёнларига эътиборни қаратдилар.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги вақтда барқарор ривожланиш концепцияси глобал ҳамжамият учун тобора муҳим ва долзарб бўлиб бормоқда. Бу инсониятнинг асосий интилишларидан бирини, яъни келажакка ишончни ифодалайди, бу эса фаолиятни узоқ муддатли давом эттириш имкониятидан иборат. Барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ вақт давомида дунё аҳоли турмуш ҳаётининг сифатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг аҳамиятини аста-секин англаб етганлиги сабабли содир бўлади. Барқарор ривожланиш концепциясини учта соҳада шакллантиришнинг зарурий шартлари глобал характерга эга ва халқаро ҳамжамиятни ташвишга соладиган муаммоларни ўз ичига олади (1-жадвал)

1-жадвал

Контекстда барқарор ривожланиш концепциясини шакллантиришнинг зарурий шартлари

Зарурий шартлар	Талаблар
Иқтисодий	Даромадлар тенгсизлиги, ишсизлик, инфляция, молиявий тизимнинг беқарорлиги, савдо урушлари, ресурсларни самарасиз тақсимлаш, адолатсиз рақобат
Ижтимоий	Қашшоқлик, очлик, гендер тенгсизлиги, ҳуқуқларнинг бузилиши, ижтимоий инфратузилманинг ривожланмаганлиги: сифатли таълим ва тиббий ёрдам олиш имкониятининг йўқлиги
Экологик	Табий ресурсларнинг камайиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва иссиқхона эффектининг кучайиши, озон қатламнинг йўқ қилиниши

Шундай қилиб, ушбу концепциянинг пайдо бўлиши глобал устуворликларни ўзгартириш зарурати билан боғлиқ эди, бу эса асосий эътиборни иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда мувозанатга эришишга қаратишдан иборат эди.

Бироқ, ҳозирги пайтда, кескинлашиб бораётган сиёсий муаммолар шароитида, барқарор ривожланиш концепциясининг халқаро сиёсий жиҳатини ва унинг учлик концепциясига таъсирини кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда. Иқтисодчи олим Столетов (2012) ҳозирги босқичда барқарор ривожланиш концепциясининг асосий сиёсий муаммоси бу - мавжуд дунё тартибининг ўзи барқарорлиги масаласи" эканлигини таъкидлайди. Сўнгги йигирма йил ичида глобал сиёсий воқеаларни таҳлил қилиб, глобал ҳамжамиятнинг ривожланиши ягона ҳамкорликдаги шериклик асосидаги ривожланиши йўлида эмас, балки турли ўйинчиларнинг рақобати ва ҳамкорлиги йўлида ҳаракатланаётгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Халқаро сиёсий вазиятнинг кескинлашуви барқарор ривожланиш концепциясини кўпчилик нуфузли манфаатдор томонларнинг манфаатларини иложи борица ҳисобга оладиган самарали ва қонуний қарорлар қабул қилиш механизмларини амалга оширадиган воситага айланиб бормоқда (Вас, 2008). Шунинг таъкидлаш керакки, барқарор ривожланиш концепциясини амалга ошириш имконияти дунёдаги сиёсий вазиятнинг барқарорлигига боғлиқ, чунки глобал иқтисодий, экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш барча мамлакат ва халқларнинг ўзаро шерикчилик ва ҳамкорликдаги яқдиллик шартини бўлиши керак. Ҳозирги кунда барқарор ривожланишнинг ягона ва умум қабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Бу таъриф биринчи марта 1987 йилда Брундтландда бўлиб ўтган Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссияда илк бор тилга олинган бўлиб, унда барқарор ривожланиш келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига путур етказмасдан ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжларини қондирадиган даражадаги ривожланиш сифатида белгиланган. Илмий адабиётларда барқарор ривожланиш тушунчасининг кўплаб таърифлари келтирилган. "Барқарор ривожланиш" тушунчасини талқин қилиш бўйича адабиётларни кўриб чиқиш асосида қуйидаги таърифларни учратишимиз мумкин. Барқарор ривожланиш - бу жамият, бизнес ва давлатнинг биргаликдаги иштирокида макро ва микро даражаларда ижтимоий, экологик маъсулиятни кузатиш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш мумкин бўлган узоқ муддатли ривожланиш моделидир. Иқтисодиёт субъектининг барқарор ривожланишининг асоси уч йўналишли концепция бўлиб, унинг мақсади асосий манфаатдор томонлар билан самарали ҳамкорлик қилиш орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик соҳаларни ривожлантиришда мувозанатга эришишдир. Илмий адабиётларда барқарор ривожланиш концепциясининг ривожлантириш босқичларини аниқлашга турли ёндашувлар келтирилган (2-жадвал).

Тадқиқот натижаларига асосланиб, кўплаб муаллифларнинг ёндашувлари берилган бўлиб унда даврийлаштириш босқичлар сони, уларнинг мазмуни, бошланиши ва тугаш саналари ва бошқалар бўйича сезиларли даражада фарқ қилади. Эътиборга лойиқ фарқлардан бири бу барқарор ривожланиш концепциясининг эволюциясини кўриб чиқиш бошланган санадир. Кўпгина муаллифлар орқага ҳисоблаш йигирманчи асрнинг ўрталаридан бошланиши керак, деган фикрда. Бироқ, бир қатор муаллифлар шаклланиш бошланишининг аввалги даврларини ҳам кўриб чиқадилар ва эволюциянинг 4 та асосий босқичини аниқлайдилар ҳамда барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланишини кўриб чиқадилар. 1839 йилдан бери, яъни конвенция тасдиқланган кундан бошлаб табиий ресурслардан фойдаланишни халқаро тартибга солишнинг биринчи тажрибаси сифатида кўрсатила бошланди. Босқичларни аниқлашда муаллифлар сиёсий воқеаларга иккинчи жаҳон уруши ва қайта қуриш йилларига урғу беришган. Ши, Хан ва бошқалар (2019) бу даврни 1972 йилгача, унинг биринчи босқичи сифатида ажратиш кўрсатишади ва "барқарор ривожланиш" атамаси XX асрда киритилганига қарамай, унга тенг келадиган тушунча кўп асрлар давомида қўлланилганлигини эътироф этиб ўтишади.

2-жадвал

Барқарорлик тушунчасини даврийлаштиришнинг қиёсий хусусиятлари турли муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

Муаллифлар	Йиллар	Сифат босқичлари	Давр ва босқичларнинг номланиши
Гузей	2021 йил	4	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Барқарор ривожланиш” тушунчасининг таърифини шакллантириш (1968-1974); 2. “Барқарор ривожланиш” концепциясининг назарий асосларини шакллантириш (1974-1993); 3. Миллий даражада барқарор ривожланиш концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш (1993-2015); 4. Янги глобал кун тартибини шакллантириш (2015 йилдан ҳозирги кунгача)
Алферова, Третьяков, Осипова, Суркова	2020 йил	4	<ol style="list-style-type: none"> 1. Барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланиш босқичи (1970-1991); 2. Барқарор ривожланиш йўналишидаги кенг қўламли институционал ва ташкилий ўзгаришлар босқичи (1992-2001). 3. Барқарор ривожланиш цивилизацияси стратегиясини амалга оширишда дунёнинг барча мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш босқичи (2002-2015); 4. Замонавий босқич - барқарор ривожланиш соҳасидаги глобал ҳаракатлар даври (2015 йилдан ҳозирги кунгача)
Shi, Xan, Yang, Gao	2019 йил	3	<ol style="list-style-type: none"> 1. Эмбрион даври (1972-йилгача); 2. Қолиплаш даври (1972-1987); 3. Ривожланиш даври (1987 йилдан ҳозирги кунгача)
Klarin	2018 йил	3	<ol style="list-style-type: none"> 1. Биринчи давр (1972 йилдан олдин); 2. Иккинчи давр (1972-1987); 3. Учинчи давр (1987 йилдан ҳозирги кунгача)
Dobrovolska	2018 йил	3	<ol style="list-style-type: none"> 1. Барқарор ривожланиш парадигмаси учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш (XX аср 50-80-йиллар); 2. Барқарор ривожлантириш парадигма-сини амалга ошириш ва ривожлантириш (2000-2007); 3. Яшил иқтисодиётнинг барқарор ривожлантиришнинг янги парадигмасини шакллантириш (2007 йилдан ҳозирги кунгача)
Гутман, Басова	2017 йил	5	<ol style="list-style-type: none"> 1. Биринчи (1950-1960-йиллар); 2. Иккинчи (1960-1970-йиллар); 3. Учинчи (1970-1990-йиллар); 4. Тўртинчи (1990-2000-йиллар); 5. Бешинчи (2000-2010 йиллар)
Пасенов	2017 йил	2	<ol style="list-style-type: none"> 1. Концепциянинг индивидуал қоидалари-ни шакллантириш босқичи (XX асрнинг ўрталаридан 1992 йилгача); 2. Норматив консолидация ва концепциясини янада такомиллаштириш босқичи (1992 йилдан ҳозирги кунгача)
Кожухова	2016 йил	3	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари ўртасидаги боғлиқликни тушуниш (1945-1970); 2. Барқарор ривожланишнинг учта таркибий қисми: иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан зарурлигини англаш (1971-1991); 3. Барқарор ривожланиш бўйича аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (1992 йилдан ҳозирги кунгача)
Пашкевич, Шаповал	2016 йил	3	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тузилмалар (1972-1991); 2. Асраб олиш (1992-2000); 3. Кейинги ривожланиш (2000 – ҳозирги кунгача)
Белюсов	2013-йил	3	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бошланғич (1968-1972); 2. Сиёсий (1972-1992); 3. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар босқичи (1992- ҳозир).

Муаллифларнинг фикрига кўра, "барқарор ривожланиш" атамаси биринчи марта 1713 йилда Карловицнинг "Иқтисодиёт ва ўрмончилик" монографиясида ишлатилган бўлиб, унда ўрмончилик ва унинг иқтисодиётидаги муаммоларга қаратилган. Хорижлик олим Кларин (2018) барқарор ривожланиш концепциясини ривожланишида учта босқични аниқлайди, уларнинг биринчисини у 1972 йилгача бўлган даврга боғлайди. Муаллиф биринчи даврни классик иқтисодчи намоёндалардан бўлган А.Смит, К.Маркс, Малтус, Рикардо, Миллнинг илмий тадқиқотлари билан боғлайди. Барқарор ривожланиш концепциясининг эволюцияси масаласига муаллифларнинг ёндашувларини таҳлил қилиш ва унинг шаклланишининг асосий воқеаларини ўрганиш натижаларига асосланиб, беш босқичдан иборат бўлган даврлаштиришнинг муаллифлик талқини таклиф қилинди.

Барқарор ривожланиш концепциясини шаклланишининг бошланиши кўпинча XX асрнинг 60-70-йилларида бошланган, - деб ҳисобланади ҳамда Рим клуби фаолияти билан бевосита боғлиқ. Муаллифнинг фикрига кўра, барқарор ривожланиш концепциясининг шаклланиш эволюциясини олдинги даврлардан, яъни фалсафий ғояларнинг пайдо бўлиш босқичидан бошлаб кўриб чиқиш зарур. Цивилизациямиз эволюцияси сайёраамизнинг атроф-муҳит ва ресурсларга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги саволлар одамлар орасида узоқ вақтдан бери пайдо бўлиб келган. 1798 йилда классик иқтисодчи намоёндалардан Малтус "Аҳоли сони тамойиллари ҳақида эссе" номли асарини нашр эттириб, унда у аҳоли сони геометрик прогрессиясида ўсиб бораётгани, ер ресурслари эса чекланганлиги (озик овқат ишлаб чиқариш арифметик прогрессияда ўсиб бораётгани) ҳақидаги хулосага келади. (Вас, 2008) Барқарор ривожланишнинг илмий асослари узоқ эволюцион йўлни босиб ўтди. Баъзи иқтисодчилар инсон табиатнинг бир қисми бўлгани учун у атрофдаги дунё қонунларини ҳисобга олиши ва табиат қонунларига бўйсунуши, уларни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга уринмаслиги кераклигини таъкидлайди. Шундай қилиб, биосферанинг ноосферага ўтиш муаммосини ўрганиш орқали олим жамият ва табиатнинг мувозанатли ривожланишидан иборат барқарор ривожланиш гипотезаси учун илмий асос яратди. Бу даврда атроф-муҳит муаммоларига бағишланган нашрлар ва илмий ишлар фаол нашр этилди. Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга соладиган асосий масалалар аҳолининг ўсиши, озиқ-овқат хавфсизлиги, антропоген омилларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ва табиий ресурсларнинг камайиб кетишидир.

Халқаро майдонда биринчи марта 1972 йилда БМТнинг Инсон атроф-муҳити бўйича конференциясида иқтисодий фаолият ва атроф-муҳит ҳолати ўртасидаги боғлиқлик масаласи бўйича муҳокама бўлиб ўтади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тамойиллари бўйича "Стокгольм декларацияси" қабул қилинади. Стокгольм конференцияси экологик муаммоларга алоҳида эътибор қаратади ва барқарор ривожланиш концепцияси бўйича халқаро муҳокамани бошлайди. Конференциянинг асосий натижаси жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши билан табиатдаги эволюцион жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш зарурлигини тан олиш эди.

"Барқарор ривожланиш" – бу "келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига путур етказмасдан, ҳозирги замон эҳтиёжларини қондирадиган" тараққиётдир. Шундай қилиб, иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатлардаги мувозанатлашган барқарор ривожланиш концепцияси 1990 йилларнинг бошларига келиб шаклланди ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Барқарор ривожланиш концепцияси эволюциясининг тўртинчи босқичи (1992-2015) кенг кўламли институционал ўзгаришлар босқичи сифатида белгиланди. 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида барқарор ривожланиш тамойиллари биринчи марта белгиланди. Конференция натижаларига

кўра:

– барқарор ривожланишни таъминлаш учун зарур бўлган 27 та тамойилни ўз ичига олган БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларацияси қабул қилинди;

– 21 кун тартиби қабул қилинди. Барқарор ривожланишга эришиш бўйича ҳаракатлар дастури, унда давлатлар барқарор ривожланиши бўйича миллий стратегияларни қабул қилишга чақирилди;

– барқарор ривожланиш бўйича комиссияни тузиш. Ушбу босқичнинг асосий жиҳати барқарор ривожланиш тамойилларини меъёрий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва аниқ ҳаракатлар режасини (21-кун тартиби) шакллантиришдан иборат эди.

Сўнги воқеалар барқарор ривожланиш концепцияси эволюциясида янги, замонавий босқични бошлаб берди. Бу босқични "корпоратив барқарорлик" босқичи сифатида тавсифлаш мумкин. Компаниялар ўз фаолиятига катта маъсулият билан ёндашишни бошламоқдалар, келажак авлодлар учун иқтисодий, экологик ва ижтимоий соҳаларни ҳимоя қилувчи муайян қоидаларга амал қилмоқдалар. Айнан барқарор ривожланиш тамойилларини қўллаш ташкилотларга етакчи мавқега эришиш ва уни сақлаб қолишга ёрдам беради. Ташкилот ичидаги барча операцион, молиявий ва инвестицион қарорлар, молиявий ва молиявий бўлмаган омилларни ҳамда уларнинг компаниянинг ўзига ҳам, умуман жамиятга таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак. Айнан шундай ҳолатдагина узоқ муддатли барқарорликка эришиш мумкин. Барқарор ривожланиш концепцияси - бу бизнеснинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий маъсулиятни ҳал қилиш билан бирга, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда инновацион жараёнларни фаоллаштирадиган ташкилий ўсиш стратегиясидир. Ҳудуднинг барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг қуйидаги афзалликларини таъкидлаш мумкин:

1. Молиялаштириш манбаларининг мавжудлиги ва янги бозор имкониятлари. Ахборотларнинг шаффофлиги минтақанинг инвестицион жозибадорлигини оширадиган муҳим омил ҳисобланади. Инвесторлар ўз фаолиятини тоза ва шаффоф тарзда олиб борадиган ижтимоий маъсулиятли бизнеслар билан ҳамкорлик қилишга интиладилар.

2. Инновацион фаолият самарадорлигини оширишда бизнес жараёнларининг самарадорлигини доимий равишда ўрганади, манфаатдор томонлар билан фаол ҳамкорлик қилади ва ички ва ташқи атроф-муҳит омилларини ўрганади. Ушбу иш компания ўсишининг янги манбаларини аниқлашга ёрдам беради ва компания самарадорлигини янада оширадиган инновацион ривожланиш механизмини ишга туширади.

3. Хавфларни бошқариш. Барқарорлик ҳисоботларини тайёрлашда, Ривожланиш жараёнида хавфларни аниқлаш ва баҳолашга катта эътибор қаратилади. Компания хавфларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширади, бу эса биргаликда хавфларни бошқариш сифатини яхшилайдди.

4. Ҳудуднинг нуфузи ва истеъмолчиларнинг ишончини шакллантириш Барқарор ривожланиш тамойилларига амал қиладиган ҳудудда ишончли ва шаффоф компанияларни ишлашини таъминлаш.

5. Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти. Барқарор ривожланиш тамойилларига риоя қилишидан нафақат ташқи манфаатдор томонлар, балки ички манфаатдор томонлар ҳам манфаатдор. Ҳудуднинг ишлаб чиқариш кучларининг самарадорлиги, табиий ресурслар билан бойлиги, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва бошқалар.

Ҳудудларнинг ҳозирги кундаги барқарорлик омиллари фаолият кўрсатаётган корхоналарга жалб этилаётган инвестициялар қўлами ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Охириги йилларда кенг

кузатилаётган масала бу ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва унинг иқтисодий салоҳияти ҳамда ички имкониятларидир. (Астанакулов ва Асатуллаев, 2022; 2018)

Хулоса ва таклифлар.

Минтақани барқарор ривожлантиришга бўлган илмий қарашлар эволюциясининг тарихи ва ҳозирги кунгача бўлган қарашларни таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Таъкидлаш ўринлики, минтақани барқарор ривожлантириш бўйича илмий ҳамжамиятда бу борада ягона ёндашувнинг йўқлиги, дастлабки қарашлар эволюцияси ҳам фалсафий ҳам иқтисодий уйғунликдаги ёндашувларни учраши ҳамда барқарор ривожланиш концепциясининг эволюцияси масаласи кўпроқ даврлар, уларнинг босқичларини аниқлаш мезонлари, шаклланишининг бошланишини кузатиш мумкин.

2. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, асосий воқеаларни ўрганишдан келиб чиқиб, ривожланишнинг дастлабки босқичида асосан экологик муаммоларга устуворлик берилган бўлса, кейин эса учлик ёндашуви мустаҳкамлангандан сўнг, экологик муаммолар ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан биргаликда кўриб чиқиладиган бўлган. Сўнгги йилларда сиёсий характердаги ва иқтисодий хавфсизлик масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўла бошлаган.

3. Эволюция жараёнида барқарор ривожланиш концепцияси ўзгариб, макро даражадан микро даражага ўтиши кузатилган ҳамда барқарор ривожланишнинг биринчи моделлари глобал миқёсда кўпроқ экологик ва чекланган иқтисодий ресурслар каби муаммоларини кўриб чиқа бошлаган. Барқарор ривожланиш тамойилларини бизнес жараёнларга интеграция қилиш ташаббусида бир неча минг компаниялар иштирок этган. Бу барқарор ривожланиш ғоялари макро даражадан бизнес жараёнлар ва алоҳида фаолият кўрсатаётган корхоналар даражасига (микро даража) ўтганлигини кўрсатади.

4. Ҳозирги вақтда барқарор ривожланиш концепцияси тобора оммалашиб бормоқда. Ҳудуднинг барқарор тараққиёти унинг иқтисодий салоҳияти, ички имкониятлари, нуфузи ва инвестицион жозибадорлигига бевосита боғлиқ бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Адабиётлар /Литература/References:

Astanakulov, O. and Asatullayev, X. (2018) *Analysis of investments and directions of investment activation in Uzbekistan. International Journal of Management and Research in Applied Sciences*, 8(6). Available at: <http://www.ijmra.us>

Vac, D.P. (2008) *A history of the concept of sustainable development: Literature review. The Annals of the University of Oradea, Economic Sciences Series*, 17(2), pp. 576–580.

Dresner, S. (2008) *The four-capital method of sustainable development evaluation. European Environment*, 18(2), pp. 63–80.

Dresner, S. (2008) *The principles of sustainability. London.*

Hamilton, K. (2007) *Genuine saving as a sustainability indicator. Available at: <https://doi.org/10.4337/9781782544708.00034>*

International Monetary Fund (2026) *World economic outlook update: Global economy resilient amid diverging forces. January. Available at: <https://www.imf.org/ru/publications/weo/issues/2026/01/19/world-economic-outlook-update-january-2026>*

Klarin, T. (2018) *The concept of sustainable development: From its beginning to the contemporary issues. Zagreb International Review of Economics & Business*, 21(1), pp. 67–94.

Shi, L., Han, L., Yang, F. and Gao, L. (2019) *The evolution of sustainable development theory: Types, goals, and research prospects. Sustainability*, 11.

Toman, M. and Pezzey, J. (2019) Sustainability and its economic interpretations. In: Simpson, R.D., Toman, M.A. and Ayres, R.U. (eds.) Scarcity and growth revisited. Washington, DC: Resources for the Future Press, pp. 121–141.

Алферова, Т.В. (2021) Становление концепции устойчивого развития: региональный аспект. Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки, (1), pp. 252–263.

Астанакулов, О. ва Асатуллаев, Х. (2022) Ўзбекистонда инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигига таъсири таҳлили. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 6.

Мирзиёев, Ш.М. (2016) Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 15 декабрь, № 247 (6682).

Мирзиёев, Ш.М. (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

Столетов, О.В. (2012) Международно-политический аспект концепции «устойчивого развития». Политическая наука, (4), pp. 195–213.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Available at: <https://lex.uz/docs/8050769>